

КОМИЗМНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ

Шохобутдинова Дилноза Мухитдиновна

Тошкент тўқимачилик ва ёнгил саноати институти
“Ўзбек ва хорижий тиллар” кафедраси катта ўқитувчиси.

Аннотация: Мазкур мақолада комизм ҳодисасининг табиатини ўрганиш мақсадида бир қанча файласуфларнинг турли хил қарашлари, фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мумкин. Хар бир файласуф комизмнинг фалсафий талқинини турли мисоллар ёрдамида ёритиб берган.

Калит сўзлар: Комизм, файласуф, кўчма маъно, инверсия, интерференция.

Аннотация: В данной статье с целью изучения природы комического феномена можно увидеть различные взгляды и мнения ряда философов. Каждый философ объяснял философское толкование комедии с помощью разных примеров.

Ключевые слова: Комедия, философ, метафора, инверсия, интерференция.

Annotation: In this article, in order to study the nature of the comic phenomenon, one can see the different views and opinions of a number of philosophers. Each philosopher explained the philosophical interpretation of comedy with different examples.

Keywords: Comedy, philosopher, metaphor, inversion, interference.

Комизм ҳодисасининг табиатини ўрганиш мақсадида бир қанча фалсафий уринишлар эрамиздан олдинги IV асрдаёқ қайд қилинган эди. Комизм фалсафий йўналишининг асосчилари қадимги юонон мутафаккирлари Платон ва Аристотель ҳисобланадилар. Аристотель учун “комизм – ҳеч кимга азоб-уқубат етказмайдиган ва ҳеч ким учун ҳалокатли бўлмаган қандайдир хато ва беъманиликдир...”[Аристотель, 1957:53]. Унинг фикри бўйича комизм – бу янгишиш ёки номуносибликтар.

Муаммога фалсафий ёндашган Ф.Гегель комизм ҳақида сўз юритар экан, шундай таъкидлайди, у комизм “шу билан чекланиши керакки, ўзини ўзи йўқ қиласидиган ҳамма нарса ўзида жуда ҳам кам нарсадир, сохта ва тескари ҳодисадир, масалан, айrim кишининг қилифи, қайтарлиги, инжиқлиги қудратли эҳтиросга қараганда, ёки у ёлғондакам мустаҳкам асос, ёлғондакам букилмас максимадир [Гегель, 1938: 71-72].

Француз файласуфи А.Бергсон “комизм одамлар билан худди қўғирчоқларга ўхшаб муомала қилишдан иборатдир”, деб исботлашга уринди [Бергсон, 1914: 75 б.]. А. Бергсон комизмини бешта асосий синфга бўлади:

- 1) умумқўлланиладиган жумланинг шаклига беъмани фикр зўрлик билан кирса, комик жумла келиб чиқади;
- 2) кўчма маънода қўлланиладиган иборага тўғри маъно бағишиланса;
- 3) жумлага сўзларнинг ўрнини алмаштириш билан бошқача маъно берилса эга тўлдирувчининг ўрнига ўтади ва аксинча, бу усул инверсия деб аталади ҳамда қандайдир фикри кўпроқ ёки камроқ ҳазил аралаш шаклда инкор қилиш учун ишлатилади;
- 4) битта жумланинг ўзи бири иккинчисини қоплаб, иккита мустақил маъно англатган жумлалар, бу гурухга каламбур, яъни сўз ўйини ҳам киради;

5) комедияда мавжуд тақрорларни ўзгартириш кузатилган тақдирда, чунки бу аслини олганда инверсияда ва интерференцияда сўз ўйинига олиб келади. [Бергсон А., 1914: 95].

Юқорида келтирилган А.Бергсоннинг таснифи тўлиқ эмас, у комик самарага эришишнинг ҳамма усулларини қамраб олмайди, ажратиб кўрсатилган синфларнинг айримлари бир бири билан ўзаро кесишишлари мумкин, холос. А.Бергсоннинг хизмати шундан иборатки, у биринчилардан бўлиб сўзнинг комик маъно англатишини кўрсатиб ўтди ва комик самарага эришиш усулларини таснифлашга уриниш қилди.

Комизмнинг таснифи муаммоси ҳозирги файласуфларни қизиқтиришда давом этмоқда. Масалан, Г. Кимминс юморни “болалар ҳақидаги ҳазил”, “уйда бўладиган ҳодисалар”, “кўчадаги нохуш ҳодисалар” ва бошқа шунга ўхшашиб типларга ажратишини таклиф қиласди [Kimmings,G.W., 1928: 80].

Комизмнинг яна бир тадқиқотчиси Д.Монро Г.Кимминс томонидан таклиф қилинган таснифни танқид қилиб, бундай тизимлаштириш керагидан зиёд фойдасиз ва сохта хulosаларга олиб келишини қайд қиласди. Д.Монро ўзининг шахсий схемасини таклиф қиласди, яъни юмор, Д. Монронинг фикрига кўра 10 та синфга ажратилиши мумкин:

- 1) ҳодисалар кетма-кетлигининг ҳар қандай бузилиши;
- 2) ҳодисалар кетма-кетлигининг ҳар қандай тақиқланган бузилиши;
- 3) одобдан ташқарилик /пасткашлик/;
- 4) хилма-хил ситуатив вазиятларга тегишли тушунчаларни аралаштириш;
- 5) маскарад, муғомбирлик /комизмнинг бу турини Д. Монро “Charley’s Aunt” кинофильмидан мисоллар келтириб, аёллар кийимини кийиш билан боғлади;
- 6) сўз ўйини;
- 7) бемаънилик;
- 8) майда кўнгилсизликлар;
- 9) билимга ёки тажрибага оқланмаган даъвогарлик;
- 10) ниқобланган мазах, ҳақорат [Monro D. H., 1951: 47].

Д.Монро томонидан келтирилган усуллар кўпинча ҳолатни, вазиятни, характерни ифодаловчи комизм билан боғлиқ. У келтирган синфлар муаллиф томонидан ҳар хил мантиқий асослар бўйича ажратиб кўрсатилган. Таклиф қилинган синфларнинг кўпчилиги бошқалари билан ўзаро кесишидилар. Д.Монро кулги қўзғалиши мумкин бўлган ўша омилларни тартибсизлик билан кўрсатиб ўтади.

И.Кант гўзалликнинг табиатига бошқача қарашга риоя қиласди, у эстетик идрок қилиш жараёнига ҳақиқий лаззатланиш жараёни сифатида қаради. Гўзал предметни томоша қилганда биз бошдан кечирадиган ҳузур қилиш ҳар қандай манфаатпарастлик руҳидаги фикрдан маҳрум, бизни унга эгалик қилиш истагига ундамайди, шунингдек унинг функционал мақсадга мувофиқлилига боғлиқ эмас [15; 44, 50, 51 б.].

И.Кант ҳақиқатга яқин, чунки, гўзаллик ҳақида сўз юритиб, у эстетик идрок баҳосидан келиб чиқади. Масалан сукротча ёндашув принципи эстетик туйғунинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг бошланиши учун устунлик қиладиган хисобланади, чунки предметларнинг эстетик аҳамияти, шубҳасиз, ўраб турувчи оламнинг утилитар-амалий хусусиятлари асосида ривожланди, у ўраб турган оламни идрок қилишнинг энг юкори шаклидир.

Аммо, комизм ҳақидаги энг муҳим мулоҳазаларда бўлган ўша рационал мағизни аниқлашга ҳаракат қиласмиз. Қайд қилиш зарурки, барча тадқиқотчилар комизмни

контрастнинг, “тартибсизликнинг”, қарама-қаршиликнинг натижаси, яъни бадбашарани – гўзалга (**Аристотель**), аҳамиятсизни – олижанобга (**Кант**), образни – ғояга (**Фишер**), автоматикни – жонлига (**Бергсон**), қадрсизни (аҳамиятсизни) – қадрлиликга (муҳимликка) даъвогарлик қилувчига (**Фолькельт**), эътиборлини (нуфузлини) – эътибори, салмоғи, нуфузи йўққа, (**Липпс**), беъманини – бамаънига (**Жан Поль**) қарама-қарши қўйиш деб таърифладилар.

Кўрсатилган қарама-қаршиликлар, яъни антиномияларнинг ҳар бири, эҳтимол, комизм турларидан бирининг асосида ётиши мумкин, бироқ уларнинг бирортаси ҳам комизмнинг табиатини тўлиқ характерламайди. Комизм назариясининг муаллифлари ўзларининг ўтмишдошларини одилона танқид қилганлар[Жан Поль, **1804:** 104].

Шунга қарамасдан, комизм қандай қилиб бўлмасин ҳар доим қарама-қаршиликлар, яъни контрастлар билан боғланишлари ҳақидаги факт эътиборга лойикдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, комизмнинг фалсафий талқини хақида Аристотель, Ф.Гегель, А.Бергсон, Г.Кимминс, Д.Монро, И.Кант ва бошқа бир қанча файласуфларнинг турли хил фикр-мулоҳазаларини кўриб чиқдик. Ҳар бир файласуф ўз қарашларига эга бўлиб, ўз фикрларини асослаб берган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аристотель. Об искусстве поэзии. М., 1957, стр. 53.
2. Гегель. Лекции по эстетике. Соч., т. XII, М., 1938, стр.71-72.
3. А.Бергсон. “Смех”. Собр.соч., т.V, Спб. 1914.
4. Бергсон А. “Смех”. Собр. соч., т.V, Спб. 1914.
5. Kimmins,G.W. The Springs of Laughter, 1928.
6. Monro D. H. Argument of Laughter, Melbourne University press, 1951.
7. Жан Поль Vortschule der Aesthetik, Гамбург, 1804, §28, S.104.